

6-1-2020

FACTORS OF STIMULATING FOREIGN DIRECT INVESTMENT IN KASHKADARYA REGION

E. Qobilov
Karshi State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Qobilov, E. (2020) "FACTORS OF STIMULATING FOREIGN DIRECT INVESTMENT IN KASHKADARYA REGION," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 30.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/30>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллари ва уларнинг тўсиқлари бўйича саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бораётган 42 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ўртасида сўровнома ўтказилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Қашқадарё вилояти учун ТТХИни ижобий мотивлари сифатида бозор изловчи, ресурс изловчи омиллари қайд этилган ва аввалги эмпирик тадқиқотларда Ўзбекистон учун чиқарилган хулосалар тасдиқланган. Шунингдек, вилоятда хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқлик қилувчи муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: тўғри хорижий инвестициялар, ТТХИнинг рағбатлантирувчи омиллари, бозор изловчи, ресурс изловчи, самарадорлик изловчи, стратегик восита изловчи

ФАКТОРЫ СТИМУЛИРОВАНИЯ ПРЯМЫХ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В КАШКАДАРЬИНСКУЮ ОБЛАСТЬ

Было проведено исследование среди 42 предприятий с иностранным капиталом, работающих в промышленности, сельском хозяйстве и сфере услуг, по факторам, влияющим на стимулирование прямых иностранных инвестиций (ПИИ), и их барьерам. По результатам исследования в качестве положительных мотивов для ПИИ для Кашкадарьинской области были отмечены рыночные и ресурсные факторы, и были подтверждены выводы предыдущих эмпирических исследований для Узбекистана. Кроме того, были выявлены проблемы, мешающие деятельности иностранных инвесторов в регионе, и разработаны практические рекомендации по их решению.

Ключевые слова: прямые иностранные инвестиции, мотивы ПИИ, поиск рынка, поиск ресурсов, поиск эффективности, поиск стратегических ресурсов.

FACTORS OF STIMULATING FOREIGN DIRECT INVESTMENT IN KASHKADARYA REGION

A survey was conducted among 42 enterprises with foreign capital operating in the industrial, agricultural and service sectors on the factors influencing the stimulation of foreign direct investment (FDI) and their barriers. According to the results of the research, market-seeking, resource-seeking factors were noted as positive motives for FDI for Kashkadarya region, and the conclusions of previous empirical studies for Uzbekistan were confirmed. Moreover, problems that hinder the activities of foreign investors in the region have been identified and practical recommendations have been developed to solve them.

Key words: Foreign direct investment, FDI motives, market-seeking, resource-seeking, efficiency seeking, strategic resource seeking.

Кириш

Марказий Осиёдаги энг йирик ички бозор, ёш ва арзон ишчи кучига эгаллиги, табиий ресурсларга бойлиги ва тез ривожланаётган инфраструктураси билан ўзига хосликка эга. Солиқ ва божхона тизимида амалга оширилаётган тезкор ислохотлар, 2019 йилнинг Ўзбекистоннинг Doing Business рейтингига 166 ўриндан 72 ўринга кўтарилганлиги, шунингдек, 2017 йилнинг сентябрь ойидан валюта либерализация бўйича амалга оширилган ислохотлар мамлакат бозорига киришда хорижий инвесторлар учун ижобий сигнал сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, "Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида, инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди [1].

Қашқадарё вилояти хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши бўйича Республикада энг етакчи вилоятлардан бири бўлишига қарамай, инвестициялар улушида ёқилғи-энергетика мажмуасининг улуши юқориликча сақланиб қолмоқда. Худудий лойиҳаларни амалга ошириш ва ушбу лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестиция (ТТХИ)ларни жалб қилиш бўйича Қашқадарё вилояти Республикада кўйи ўринларда бормоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қашқадарё вилоятида ТТХИнинг рағбатлантирувчи ва салбий омилларини тадқиқот этиш талаб этилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хорижий компаниялар томонидан ТТХИ киритиш сабаб (мотив)лари ва тўсиқлари Қашқадарё вилоятининг саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари мисолида сўровнома усули ёрдамида таҳлил қилинган ҳамда бизнес юритиш ва инвестиция муҳитининг хорижий инвесторларга таъсири ўрганилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

ТТХИнинг рағбатлантирувчи омиллари бўйича Ўзбекистонга тегишли кўрсаткичлар бўйича алоҳида илмий тадқиқотлар кам бўлсада, ривожланаётган ва ўтиш даври мамлакати сифатида хорижий инвестициялар кириб келишининг сабаблари айрим гуруҳ мамлакатларига қўшилган ҳолда тадқиқ қилинган.

Иқтисодчи олим Даннинг томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар ресурс изловчи, бозор изловчи, самарадорлик изловчи, стратегик восита изловчи мотивларга эга [2,3]. Бой табиий ресурслар, арзон ва малакали ишчи кучи, қулай инфратузилма тузилмаларининг мавжудлиги - ресурс изловчи инвесторлар фаолиятини рағбатлантириди. Амалий жихатдан ҳам, инвестиция қабул қилувчи

мамлакатнинг асосий омили сифатида табиий ресурслар (фойдали қазилмалар, қурилиш материаллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) баҳоланган.

Аммо, бизнинг фикримизча, бой табиий ресурсларнинг мавжуд бўлиши ТТХИнинг асосий омили сифатида баҳоланган бўлсада, ушбу омилнинг яқка ўзи ТТХИ оқимини кўпайтириш ва унинг иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича етарли эмас. Табиий ресурслар бўйича рақобат устунлигига эга бўлиш - ТТХИ ҳажмига кўра, ташқи савдо оқимининг ошишини рағбатлантиради. Табиий ресурсларга бой кўпгина давлатлар қазилма бойликларини қазиб олиш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги ёки қазиб олиш бўйича техник билим, малакаларнинг етишмаслигини ўз бошидан кечирган. Шунингдек, хом-ашёни бир нуқтадан бошқа нуқтага етказиб бериш учун инфратузилма объектларини мавжудлиги ҳам муҳим рол ўйнайди.

Кўпгина тадқиқотларга кўра, МДХ давлатларининг табиий ресурсларга бойлиги хорижий инвестицияларнинг асосий омили сифатида кўрсатилган. Иқтисодчи олим Шиэлснинг тадқиқотларига кўра, МДХ давлатларида ТТХИ асосан, табиий бойликларни қазиб олиш, энергия манбаларини узатиш қувурлари қурилиши ва нефт газ соҳаларидаги хусусийлаштириш жараёнларига жалб этилган [4]. Лекин, инвестиция жараёнининг дастлабки босқичларида МДХ давлатларидаги инвестиция муҳитининг яхши эмаслиги, таркибий ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилмаганлиги натижасида хорижий инвесторлар капитал йўқотиш (риск) хавотири кучли бўлган. Иқтисодчилар Кампос ва Киношитарларнинг тадқиқотларида ҳам МДХ давлатлари учун ТТХИ учун ресурс изловчи мотив асосий омил сифатида баҳоланган бўлса [5], МДХга аъзо бўлмаган мамлакатлар учун ушбу хулоса тегишли бўлмаган.

Иқтисодчи олим Тондел (2001)нинг илмий изланишларида ҳам МДХ давлатлари учун ТТХИнинг асосий омиллари сифатида ресурс изловчи ва бозор изловчи мотивлар муҳимлиги кўрсатилган [6]. Озарбайжонга жалб қилинган ТТХИнинг 75 фоизидан 82 фоизгача бўлган миқдори нефт-газ секторига тегишли бўлган. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига киритилган хорижий инвестицияларнинг 30 фоизи нефт газ секторига киритилган инвестициялар билан боғлиқ бўлган.

Иқтисодчи олим Аразмурадовнинг тадқиқотларига кўра, табиий захираларга бойлиги ва аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, йирик бозорга эгаллиги Марказий Осиё мамлакатлари учун ТТХИнинг рағбатлантирувчи омили сифатида қайд этилган [7,8]. Пасван томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам ушбу хулосалар тасдиқланган [9].

Иқтисодчи олимлар Омри ва бошқ. фикрича, Марказий Осиё давлатларидаги жинойтчилик даражасининг пастлиги, йирик бозорга эгаллиги ва паст инвестиция хатарининг мавжудлиги ТТХИ оқимининг юқори бўлишига олиб келган [10].

Ресурс ёки ишчи кучи изловчи инвесторлар сифатида - реал иш ҳақи юқори бўлган мамлакатлардаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни мисол сифатида келтириш мумкин. Даннинг фикрига кўра, ресурс изловчи инвесторларни жалб қилиш учун инвестиция қабул қилувчи

мамлакатлар томонидан махсус эркин савдо ёки экспорт зоналари ташкил этилади. Кўпчилик ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИ асосан ресурс изловчи характерга эга бўлади. Бундай турдаги инвестициялаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса асосан экспорт қилинади.

Стратегик воситалар изловчи хорижий инвестициялар – корхоналар ўзларининг узоқ муддатли стратегик мақсадларини амалга ошириш учун хорижий мамлакатга инвестиция киритганда юзага келади. Ўзаро икки томонлама манфаатли илмий тадқиқот ва конструкторлик ишларини ҳамкорликда амалга ошириш учун трансмиллий корхоналар чет эл мамлакатадаги бошқа корхона билан бирлашма шакллантириши мумкин.

Марказий Осиё давлатларидаги жиноятчилик даражасининг пастлиги, йирик бозорга эгаллиги ва паст инвестиция хатарининг мавжудлиги ТТХИ оқимининг юқори бўлишига олиб келган.

Таҳлил ва натижалар

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар аниқлашда тизимли ёндашиш усулини қўллаш, унда амалга ошаётган эҳтимолли жараёнлар қонуниятларининг миқдор ва сифат жиҳатларини ўрганиш ва баҳолаш, булар эса мураккаб бозор иқтисодиётининг тузилиш механизмларини ўрганиш ва уларни истиқболли баҳолаш имкониятини яратади.

Олиб борилган илмий-тадқиқотлардан шуни кўриш мумкинки, бозор изловчи инвестицияларнинг омиллари сифатида, инвестиция қабул қилувчи мамлакатнинг бозор ҳажми, жон бошига тўғри келувчи даромад ва бозорнинг ўсиш суръати каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Компаниялар учун янги бозорлар тармоқ ичидаги рақобатбардошлик ва иқтисодий ўсишни таъминлаш билан биргаликда, ўзининг фаолият кўрсатиш миқёси ва қамровини кенгайтириш имконини беради. Бозор изловчи инвестор муайян мамлакат ёки минтақа истеъмол бозорларини эгаллашни мақсад қилиб қўяди. Бу турдаги инвестицияларни киритувчи корхоналар одатда ўз маҳсулотларига бўлган жорий ёки келгуси талабга жавобан уй хўжаликлари учун зарур истеъмол ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Кўпгина давлатларда импорт бўйича чекловларнинг ўрнатилганлиги, компанияларни хориждаги инвестиция лойиҳаларида иштирок этишга, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилишга мажбур қилади ва ушбу йўл орқали ўзларининг бизнесларини сақлаб қолишга эришади.

Самарадорлик изловчи ТТХИ харажатлар паст бўлган реципиент мамлакатдаги арзончиликдан фойдаланиш учун амалга оширилади. Ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши эса инвестор корхоналар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ушбу турдаги инвестициялар, турли омиллар (институционал, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқ)дан фойдаланиб, бир нечта бозорларни таъминлаш учун чекланган миқдордаги жойларда ишлаб чиқаришни ташкил қилади. Чет элда самарали ишлаб

чиқаришни ташкил этиш учун, трансчегаравий бозорлар яхши ривожланган ва очиқ бўлиши керак, бозор интеграциялашган минтақаларда ТТХИни амалга оширган компанияларни янада ривожланишига хизмат кўрсатади. Шу боис, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга таъсир этувчи омиллар бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётни таркибий тубдан ўзгартириш Қашқадарё вилоятининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва жалб қилинган хорижий инвестицияларда ўз аксини топган. Қашқадарё вилояти иқтисодиётининг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотигадаги улуши 2010 йилда 8.9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 7,1 фоизни ташкил этди.

Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ишлаб чиқариш ҳажми 2010-2014 йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлган бўлса, 2015-йилдан бошлаб пасайиш тенденцияси кузатилган. Гарчи, 2010-2015 йилларга нисбатан, 2016 йилдан Ўзбекистон Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўзгариш динамикасида пасайиш тенденцияси кузатилган бўлсада, 2018 йилдан мамлакатда барқарор ўсиш суръатларига эришилган ва 2018-2019 йилларда ушбу кўрсаткич мос равишда 5,1:5,5 фоизни ташкил қилган. Қашқадарё вилояти ЯҲМ динамикасида эса пасайиш тенденцияси давом этган ва 2019 йилга келиб, ўсиш суръати атиги 1.4 фоизни ташкил қилиб, пасайиш тенденциясини вилоятдаги нефт ва газ секторидаги йирик саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши билан изохлаш мумкин (1-расм).

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, 2010 йилда Қашқадарё вилояти иқтисодиётида саноатнинг улуши 48,4 фоизни, қишлоқ хўжалигининг улуши 30.3 фоизни, хизматлар соҳасининг улуши 21.3 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда ушбу соҳаларнинг улуши мос равишда 37.1:36.4:26.5 фоизни ташкил қилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ва Қашқадарё вилоятида ЯХМ ўсиш кўрсаткичлари¹

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2010 йил якуни бўйича Қашқадарё вилоятида 64 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатган бўлса, 2020 йил 1 январ ҳолатида ушбу кўрсаткич 3 баробарга ошган ҳолда 199 тага етган. Шундан, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони саноат соҳаси бўйича 116 тани, хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича 32 тани, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 51 тани ташкил қилади(1-жадвал).

1-жадвал.

Хорижий корхоналар ва жалб қилинган тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар динамикаси (2010-2019 йиллар)²

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Хорижий корхоналар сони	64	56	57	54	59	49	49	57	87	199
Жалб қилинган ТТХИ, ҳажми (млн АҚШ доллари)	177.3	234.7	245.9	316.6	232.6	142.6	265.4	201.8	84.0	594.7

2010-2019 йиллар давомида Қашқадарё вилоятига қарийиб 2,5 млрд АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестициялар ўзлаштирилган. Ўзлаштирилган ТТХИнинг 23,8 фоизи (594.7 млн АҚШ доллари) 2019 йилга тўғри келган.

Қашқадарё вилоятида 2019 йил мобайнида ўзлаштирилган ТТХИнинг 75.5 фоизи (449.2 млн АҚШ доллари) ёқилғи-энергетика мажмуасига кирувчи Республика даражасидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келса, 24.5 фоизи (145.5 млн АҚШ доллари) ҳудудий инвестицион лойиҳалар доирасида жалб қилинган.

Қашқадарё вилоятига 2017 йилгача жалб қилинган ТТХИнинг асосий қисми (90 фоизидан ортиғи) ёқилғи-энергетика мажмуига кирувчи секторга жалб қилинган бўлса, охириги 3 йилда очиклик сиёсати ва инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида бошқа соҳаларда ҳам йирик хорижий компанияларнинг кириб келиши кузатилмоқда. Хусусан, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик соҳалари бўйича дунёнинг 30 дан зиёд давлатларида корхоналари ва 30000 мингдан ортиқ ишчи кучига эга Сингапурнинг “Indorama” компанияси 2019 йилда Қашқадарё вилоятида ўзининг фаолиятини бошлади. Ушбу хорижий корхона томонидан Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон туманларида 20,0 минг га ер майдонида кластер асосида пахта етиштириш йўлга қўйилмоқда. Қашқадарё вилоятида хорижий корхона томонидан яқин келажакда пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, ёғ ишлаб чиқариш бўйича қўшимча инвестицион лойиҳаларни ишга тушириш ва Қашқадарё вилояти иқтисодиётига 150.0 млн

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

² Манба: Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

АҚШ доллари миқдорида ТТХИ ўзлаштириш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу хорижий корхона томонидан Фарғона ва Сирдарё вилоятларида кўшимча йирик инвестицион лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида тўқимачилик саноати бўйича 120 йиллик тарихга эга бўлган Хитойнинг етакчи “Litai Textile” компанияси томонидан 2016-2018 йилларда ип-калава ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди ва ушбу лойиҳага 100.0 млн АҚШ доллари миқдорида ТТХИ жалб қилинди. Хорижий корхона томонидан ҳозирги кунда кластер асосида пахта етиштириш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича навбатдаги инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Хитойдаги энг йирик 60 та корхоналар таркибига кирувчи, 33.5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги активларга ва 45.0 минг ишчига эга бўлган “Anhui Conch Cement Limited” корхонаси 2019 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида “Qarshi Conch Cement” хорижий корхонасини рўйхатдан ўтказди. Ушбу хорижий корхона томонидан 2019-2021 йилларда лойиҳа қиймати 100.0 млн АҚШ доллари бўлган юқори сифатли цемент ишлаб чиқариш бўйича йирик завод қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Қашқадарё вилояти иқтисодиётига нафақат халқаро компаниялар, балки хорижий жисмоний шахслар томонидан ҳам инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Хусусан, Афғонистон Ислом Республикасининг бир қатор фуқаролари (этник келиб чиқиши ўзбек миллатига мансуб) томонидан қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот давомида Қашқадарё вилояти саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият олиб бораётган 42 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар ўртасида сўровнома ўтказилди. Танланма сифатида 24 та саноат йўналишидаги (жами саноат йўналишидаги хорижий корхоналарнинг 20.7 фоизи), 10 та қишлоқ хўжалиги йўналишидаги (жами қишлоқ хўжалиги йўналишидаги хорижий корхоналарнинг 19.6 фоизи) ва 8 та хизмат кўрсатиш йўналишидаги (ушбу йўналишдаги жами хорижий корхоналарнинг 25 фоизи) хорижий корхоналар танланди. Респондентларнинг 36 таси кўшма корхона (улуши 15 фоиздан кам бўлмаган) шаклида, 6 та эса тўлик (100 фоизлик улуш) хорижий корхона мақомида фаолият юритади.

Сўровномада 14 та мамлакат иштирокидаги хорижий капиталли корхоналар танланган бўлиб, Россия, Хитой, Туркия давлатлари капитали иштирокида 6 тадан, Жанубий Корея ва Эрон капитали иштирокида 5 тадан, Афғонистон иштирокида 4 та, Буюк Британия ва БАА иштирокида 2 та, Канада, Сингапур, Қозғистон, Озайбайжон, Белоруссия ва Тожикистон давлатлари иштирокидаги 1 тадан корхоналар қатнашди.

Саноат йўналишидаги хорижий корхоналар томонидан 2215 та янги иш ўринлари яратилган ва 2019 йил давомида Қашқадарё вилояти иқтисодиётига 53.5 млн АҚШ доллари миқдорида ТТХИ киритилган. Инвестициялар ҳажмида “Qarshi Conch Cement” корхонасининг улуши энг юқори бўлиб, корхона томонидан 2019 йилда 20.0 млн АҚШ доллари (сўровномада қатнашган саноат

йўналишидаги корхоналар томонидан жалб қилинган ТТХИнинг 37.4 фоизи) хорижий инвестициялар жалб қилинган.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги хорижий корхоналар томонидан жами 2465 та иш ўринлари ва 83.4 млн АҚШ доллари миқдорида ТТХИ жалб қилинган. Сўровномада қатнашган қишлоқ хўжалиги хорижий корхоналар томонидан жами яратилган иш ўринларининг 60.8 фоизи (1500 та иш ўрни), ТТХИнинг 89.9 фоизи (75.0 млн АҚШ доллари) “Indorama Agro” хорижий корхонаси ҳиссасига тўғри келади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи 8 та хорижий корхоналар томонидан 190 та иш ўрни яратилган ва 2019 йилда 1.9 млн АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинган (2-жадвал).

2-жадвал


Сўровномада қатнашган хорижий корхоналар бўйича умумий маълумотлар³

№	Фаолият йўналишлари	Респондентлар сони	Минимал қиймати	Максимал қиймати	Ўртача қиймати
1	Фаолият кўрсатаётган муддати				
	Саноат	24	1	6	2.6
	Қишлоқ хўжалиги	10	1	3	1.6
	Хизмат кўрсатиш	8	1	3	2.1
2	Йиллик айланма маблағи (минг АҚШ доллари)				
	Саноат	24	100	30000	3126.7
	Қишлоқ хўжалиги	10	300	30000	5630
	Хизмат кўрсатиш	8	50	300	185.7
3	Яратилган (яратиладиган) иш ўрни-				
	Саноат	24	15	500	93
	Қишлоқ хўжалиги	10	15	1500	247
	Хизмат кўрсатиш	8	20	50	27
4	Жалб қилинган ТТХИ миқдори (минг АҚШ доллари)				
	Саноат	24	70	20000	2229
	Қишлоқ хўжалиги	10	150	75000	8344
	Хизмат кўрсатиш	8	47	933	273

Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хорижий корхоналар томонидан Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишнинг доминант стратегик мақсади

³ Манба: Сўровнома натижалари бўйича муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган..

сифатида “бозор излаш” омили баҳоланган ва баҳолаш кўрсаткичи мос равишда ўртача 4.3:4 балларни (муҳим) ташкил қилган бўлса, хизмат кўрсатиш бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий корхоналар учун “бозор излаш” омилининг аҳамияти унчалик юқори эмаслиги аниқланди (2-расм).




2-расм. Хорижий корхоналарнинг Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишдан стратегик мақсадлари⁴

Хорижий корхоналарнинг Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишдан сабаблари ўрганилганда, 3 соҳа бўйича ҳам ТТХИнинг рағбатлантирувчиси сифатида “ресурс изловчи” омили - минтақадаги арзон ишлаб чиқариш омиллари (ишчи кучи, энергия, хом-ашё захиралари) баҳоланган. Арзон ишлаб чиқариш омилларининг баҳо коэффициенти –қишлоқ хўжалиги соҳасида -4.7 баллни, саноат соҳасида -4.5 баллни, хизмат кўрсатиш соҳасида -4.3 баллни ташкил этган. Муҳимлиги даражаси бўйича 2-ўринда, ТТХИнинг “бозор изловчи” омили баҳоланган ва қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича мос равишда 4.2:4.2:3.4 баллар (муҳимлиги юқори) бўйича баҳоланган (3 расм).

ТТХИнинг рағбатлантирувчи омилини баҳолашда, инвестиция киритувчи давлатлар кесимида таҳлил қилинганда, муҳим бир ҳолат кузатилди. Хусусан, Хитой, Россия давлатига тегишли хорижий компаниялар учун Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишнинг –ресурс изловчи омили устунлик қилган бўлса, Жанубий Корея, Туркия, Эрон давлатлари учун –бозор излаш омили энг муҳим омил сифатида қайд этилган.

⁴ Манба: Сўровнома натижалари бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



3-расм. Хорижий корхоналарнинг Қашқадарё вилоятига инвестиция киритишдан сабаблари⁵

Сўровномада қатнашган хорижий корхоналар учун Қашқадарё вилояти ТТХИнинг “самарадорлик изловчи” ва “стратегик восита изловчи” омиллари унчалик муҳим эмаслиги барча соҳалар учун қайд қилинди. Хусусан, респондентлар томонидан “малакали ишчи кучи” варианты соҳалар бўйича 1-1.3 балл (унчалик муҳим эмас) оралиғида, “илмий-тадқиқот ишланмаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш” варианты соҳалар бўйича 1-1.1 балл (унчалик муҳим эмас) оралиғида баҳоланган.

Хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар ўрганилди ва респондентлар томонидан фаолиятлари давомида коррупция ва бюрократия ҳолатига дуч келмаганликларини ижобий сифатида баҳолаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Қашқадарёда вилоятида хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммолар⁶

Муаммолар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизмат кўрсатиш	Жами	Жами респондга нисбатан физ хисобида
Кредит фоизларининг юқорилиги ва кредитлаш тизимининг яхши ишламаслиги	22	8	3	33	78.6%
Ишлаб чиқариш инфратузилмасига уланишнинг қийинлиги ва қоқоқлиги	17	7	5	29	69.05%

⁵ Манба: Сўровнома натижалари бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁶ Манба: Сўровнома натижалари бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бино ва ер ажратишнинг қийинлиги	12	3	5	20	47.6%
Ишончли, молиявий барқарор ҳамкор топиш	12	5	1	18	42.9%
Маҳсулот ва хизматларнинг сертификатлаш, лицензиялашдаги муаммолар	9	0	1	10	23.8%
Бизнес юритиш кўникмаларининг пастлиги	6	3	0	9	21.4%
Технологик қолоқлик	7	1	0	8	19.05%
Ҳуқуқий тизимнинг яхши ишламаслиги, шартномаларга риоя қилмаслик	5	1	0	6	14.3%
Бошқа ҳолатлар	2	1	0	3	7.1%
Коррупция ва бюрократия	0	0	0	0	

Натижаларга кўра, хорижий инвесторлар фаолиятига энг катта тўсиқ сифатида –кредит фоизларининг юқорилилиги ва кредитлаш тизимининг яхши ишламаслиги қайд этилган. Саноат соҳасидаги 22 та, қишлоқ хўжалигидаги 8 та ва хизмат кўрсатишдаги 3 та, жами 33 та хорижий корхоналар (жами респондентларнинг 78.6 фоизи) томонидан кредитлаш тизими –энг катта тўсиқ сифатида билдирилган. Кредит билан боғлиқ тўсиқларга асосан, хорижий инвесторларнинг маҳаллий ҳамкорлари дуч келишган.

29 та хорижий корхона (жами респондентларнинг 69.05 фоизи) томонидан фаолиятдаги тўсиқ сифатида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қолоқлиги ва уланишга қийинлиги баҳоланган. Фаолиятдаги ушбу тўсиқ – яна бошқа бир тўсиқ (бино ва ер ажратишнинг қийинлиги)ни келтириб чиқарган. Кўпгина инвесторлар томонидан инфратузилма нисбатан яхши бўлган Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ўз фаолиятларини бошлаш истаклари билдирилган бўлсада, ушбу шаҳарларда бўш бино ва бўш ер майдонларининг мавжуд эмаслиги натижасида сўровномада қатнашган 20 та хорижий корхона (жами респондентларнинг 47.6 фоизи) да бино ва ер билан муаммолар келиб чиққан.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида 18 та хорижий корхоналар (жами респондентларнинг 42.9 фоизи) томонидан тўсиқ сифатида –шерикчиликда ишлаш учун Қашқадарё вилоятида ишончли, молиявий барқарор ҳамкорлар етишмаслиги қайд қилинган. Хусусан, маҳаллий ҳамкордаги молиявий қийинчиликлар натижасида Жанубий Кореянинг чиллер ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Centure” компаниясининг Қашқадарё вилоятидаги ҳамкори 2 маротаба алмашган.

Тадқиқот натижаларига кўра, 10 та респондент томонидан (23.8 фоиз) маҳсулот ва хизматларнинг сертификатлаш, лицензиялашдаги муаммолар, 9 та респондент томонидан (21.4 фоиз), 8 та респондент томонидан (19.1 фоиз) –технологик қолоқлик, 6 та респондент томонидан (14.3 фоиз) ҳуқуқий тизимнинг яхши ишламаслиги, шартномаларга риоя қилмаслик омиллари хорижий инвесторлар томонидан тўсиқ сифатида қайд этилган.Шунингдек, 3 та ҳолатда (7.1 фоиз) тўсиқ сифатида бошқа омиллар баҳоланган.

Тадқиқотда хорижий инвесторларнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолиятини баҳолаш бўйича ҳам савол киритилган бўлиб, баҳолаш шкаласи 1-5 баллар оралиғи (1-жуда ёмон, 5-жуда яхши)ни ташкил этган. Натижаларга кўра, Қашқадарё вилоятидаги фаолиятдан қониқиш даражаси сўровномада қатнашган қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўртача 4.4 баллни, хизмат кўрсатиш корхоналарида ўртача 4.1 баллни, саноат корхоналарида ўртача 3.7 баллни, сўровномада қатнашган 42 та корхоналарнинг ўртача натижаси 4.1 баллни ташкил қилди.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Қашқадарё вилояти учун ТТХИни ижобий мотивлари сифатида бозор изловчи, ресурс изловчи омиллари қайд этилган ва аввалги эмпирик тадқиқотларда Ўзбекистон учун чиқарилган хулосалар тасдиқланган.

Хорижий инвестицияларга энг асосий тўсиқлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- кредит фоизларининг юқорилиги ва кредитлаш тизимининг яхши ишламаслиги;
- ишлаб чиқариш инфратузилмасига уланишнинг қийинлиги ва қоқоқлиги;
- бино ва ер ажратишнинг қийинлиги;
- ишончли, молиявий барқарор ҳамкорларнинг етишмаслиги;
- маҳсулот ва хизматларнинг сертификатлаш, лицензиялашдаги муаммолар;
- технологик қоқоқлик ва ҳуқуқий тизимнинг яхши ишламаслиги.
- шартномаларга риоя қилмаслик омиллари қайд қилинган.

Қашқадарё вилояти инвестиция муҳитини яхшилаш, ТТХИ хажмини кўпайтириш ва хорижий инвесторлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф қилиш мақсадида бир қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

- истиқболли, долзарб инвестицион лойиҳаларни тезкор молиялаштириш учун вилоятда маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан устав капитали 5.0 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган махсус инвестицион фонд ташкил қилиш лозим;
- муқобил вариант сифатида (хорижий инвесторлар томонидан таклиф қилинган) тижорат банкларини лойиҳаларда ҳамкор (шерик) сифатида иштирок этишини таъминлаш мумкин;
- ишлаб чиқариш чиқариш инфратузилмасини билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида хорижий инвестицияларни лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналари ва кичик саноат зоналарида жойлаштириш мақсадга мувофиқ;
- махсус зоналарда жойлаштиришнинг имкони бўлмаган истиқболли хорижий инвестицияли лойиҳалар (қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш) даги

инфратузилма яратиш билан боғлиқ харажатлар учун давлат томонидан тўлиқ ёки қисман субсидиялаш тизимини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил
2. Dunning, J.H. (1993), *Multinational enterprises and the global economy*. Workingham.: Addison-Wesley.
3. Dunning, J.H. (2006) “Towards a paradigm of development: implications for the determinantsof international business activity”, *Transnational Corporations*, 15(1), 173-227.
4. Shiells, C. (2003), *FDI and the Investment Climate in the CIS Countries*. IMF Policy Discussion Paper PDP/03/5, November 2003.
5. Campos, N. and Kinoshita, Y. (2003), *Why Does FDI Go Where It Goes? New Evidence from the Transition Economies*. IMF WP/03/228.
6. Tondel, L. (2001), *Foreign Direct Investment During Transition. Determinants and Patterns in Central and Eastern Europe and the Former Soviet Union*. Chr. Michelsen Institute. WP 2001:9.
7. Arazmuradov A. (2012). *Foreign Aid, Foreign Direct Investment and Domestic Investment Nexus in Landlocked Economies of Central Asia*, *Economic Research Guardian*, 2(1): 129 – 151
8. Arazmuradov A. (2015). *Can Development Aid Help Promote Foreign Direct Investment? Evidence from Central Asia*, *Economic Affairs*, 35 (1): 123 – 136
9. Paswan N. K. (2013). *Investment Cooperation in Central Asia: Prospects and Challenges*, *India Quarterly*, 69(1): 13 – 33
10. Omri A, Ngyuen D.K., Rault C. (2014). *Casual interactions between CO2 emissions, FDI and economic growth: Evidence from dynamic simultaneous – equation models*, *Economic Modeling*, 42: 382 –389